РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди, доцент

САМАРҚАНДДА ИСЛОМ ДИНИ ВА ИЛМЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИДА МАҲАЛЛИЙ МАЪНАВИЙ МУҲИТНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ МЕСТНОЙ ДУХОВНОЙ СРЕДЫ В РАСПРОСТРАНЕНИИ ИСЛАМА И ЕГО НАУК В САМАРКАНД

THE ROLE OF THE LOCAL SPIRITUAL ENVIRONMENT IN THE SPREADING OF ISLAM AND ITS SCIENCES TO SAMARKAND

Аннотация. *Мақолада дунё тамаддуни тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган Самарқанд шаҳрига ислом дини ва илмларининг кириб келиш жараёнлари қандай кечгани ҳақида сўз кетади. Унда бу ердаги маънавий муҳит, олимларнинг мазкур жараёнларга муносабатлари, дин номидан ҳаракат қилган оқимларнинг сиёсий мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар мужассам қилинган.*

Калит сўзлар: *Мовароуннаҳр, Суғди Самарқанд, Пойкент, Шоҳи Зинда, ЮНЕСКО, Ихшид, Гурак, Қутайба ибн Муслим.*

Аннотация. *В статье рассказывается о процессе распространения ислама и его науки в Самарканде, город который имеет свое достойное место в истории мировой цивилизации. Также она содержит информацию о местной духовной среде, отношении ученых к этим процессам, политических целях разных течений, которые действовали от имени религии.*

Ключевые слова: *Мавараннаҳр, Сугд Самарканда, Пайкент, Шахи Зинда, ЮНЕСКО, Ихшид, Гурек, Кутейба ибн Муслим.*

Annotation*. The article talks about the process of spreading Islam and its science in Samarkand, a city that has its worthy place in the history of world civilization. It also contains information about the local spiritual environment, the attitude of scientists to these processes, the political goals of different movements that acted on behalf of religion.*

Keywords: *Mawarannahr, Sugdi Samarkand, Paykent, Shakhi Zinda, UNESCO, Ikhshid, Gurek, Quteyba ibn Muslim.*

КИРИШ

Самарқанд дунё маданиятига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган энг қадимий цивилизация марказларидан биридир. Хитой билан Румни, Ҳиндистон билан Шимолий мамлакатларни, жумладан Россияни қадимий карвон йўллари билан боғлаб турган Буюк Ипак йўлида жойлашган Марказий Осиё шаҳарлари орасида ўз маданиятининг қадимийлиги жиҳатидан Самарқанд энг аввалги ўринда туради [6:98]. 1970 йилда ЮНЕСКО томонидан бу шаҳарнинг 2500 йиллиги кенг нишонланди, аммо манбалар унинг янада қадимийроқ, яъни ҳозирда Самарқанднинг ёши 3530 йилдан ортиқ эканлиги ҳақида далолат бермоқда [3:6].

Ислом дини бу шаҳарга кириб келишидан олдин Самарқанд аҳолиси Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби турли табақалар ва касб-кор эгаларидан иборат эди. Бу шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ва савдо-сотиқ минг йиллар давомида тараққий этиб келди. Қадимий давлатчилик ҳамда бой моддий ва маънавий маданиятга эга бўлганлиги учун унда сиёсий арбоблар, ҳунармандлар, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бор эди. Иқтисодиётнинг умумий ривожланиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, ҳунармандчилик, шаҳар қурилиши ва ташқи савдо-сотиқда акс этди. Самарқандда ўзига хос сўғд ёзуви мавжуд бўлиб, санъат, керамика, меъморлик, рассомлик, мусиқа маданиятлари ривожланганлиги унда савдогарлар, турли санъат намояндалари ва зиёлилар истиқомат қилганлигидан дарак беради [6:98].

АСОСИЙ ҚИСМ

Сўғдликларнинг карвонлари Хитой, Монголия, Ҳиндистон, Эрон, Сурия, Миср, Византия империяси шаҳарларига қатнар эди. Сўғдликлар дунё савдо-сотиқ муносабатларида

 ISSN 2181-9572

катта мавқени эгаллаган эдилар. VI асрда сўғдлик тижоратчи Маниах Турк ҳоқонлиги ва Византия империяси орасида халқаро ипак савдоси бўйича бош ташкилотчилик вазифасини ўтар эди [16:77-78]. Бунинг натижасида Самарқанднинг ташқи дунё билан алоқалари мустаҳкамланиб, илм-фаннинг тараққий этишига пухта замин тайёрлади.

Самарқандда меморчилик ҳам тараққий этган бўлиб, аҳоли ўртасида кўплаб меморий санъат усталари ҳам бор эдилар. V аср охирларидан бошлаб Сўғдда Ихшидийлар сулоласи ҳукмрон бўлиб, уларнинг қароргоҳи Самарқандда эди. VI-VII асрларда подшоҳлар шаҳар мустаҳкамлигини кучайтирдилар ва унинг ичида ҳашаматли сарой ва бошқа биноларни қурдирдилар. Афросиёбда археологлар томонидан қазиб топилган бой девор ёзувларга эга бўлган улкан бино қолдиқлари шаҳар ичида қурилган ихшидлар саройларидан бирининг қолдиқларидир [7:17; 8:70-112; 10:140-147].

VII асрнинг иккинчи ярмида Эронда Сосонийлар сулоласи (224-651) қулаганидан сўнг араблар Марвни эгалладилар ва шу ердан туриб Амударё ортидаги ерларга, яъни Мовароуннаҳрга юришларни амалга оширдилар. Бир-бирлари билан душманлик кайфиятида бўлган ҳукмрон доиралар бу ҳаракатларда ўз заифликларини кўрсатиб қўйдилар. Ҳокимиятдан норози бўлган баъзи деҳқонлар араблардан ёрдам кутиб, улар тарафига ўтдилар. Қолган деҳқонлар ўз ҳокимиятларини ҳимоя қилиш учун курашга киришдилар. Худди шу пайтда маҳаллий жамиятдаги турли табақалар орасидаги бирликнинг йўқлиги яққол сезилиб қолди.

Араб қўшинлари Мовароуннаҳр ҳудудларида VII аср ўрталаридаёқ пайдо бўлишига қарамасдан, ислом динининг Самарқандга кириб келиши бевосита арабларнинг шу шаҳарга кириб келиб, яшаши билан боғлиқ. 60 йил давом этган урушлар (644-704) мобайнида араблар 18 йил Амударё ортига юришлар қилдилар, қолган 42 йил ичида эса ўзаро ички муаммолар ва қабилавий низоларни бартараф этиш билан машғул бўлдилар. Бу даврдаги ҳарбий фаоллик Умавийлар ички сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бўлди: Марказий Осиё учун нисбатан тинч бўлган йиллар араб қабилалари орасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашган даврига тўғри келса, араб қўшинларининг фаоллашув йиллари эса давлатдаги вазиятнинг барқарор бўлган даврида юз берди [13:111]. Келтирилган фактлардан нафақат маҳаллий аҳоли, балки араблар орасида ҳам мазкур даврда ўзаро зиддиятларнинг мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин.

Мовароуннаҳрга биринчилардан бўлиб кирган Убайдуллоҳ ибн Зиёд 673-674 йилларда Пойкенднинг ярмини ва Ромитонни қўлга олди. Бу икки жой ҳам Бухорога тегишли эди [17:42-45]. Самарқандни эса 675 йилда халифа Муовиянинг Хуросондаги волийси Абу Усмон Саид ибн Усмон ибн Аффон (в. 675 йилдан кейин) бошчилигида араблар қўшини истило этди. Саид ибн Усмон Самарқанд дарвозаси олдида турганида унинг ёнига Хуросондан Пайғамбар амакиваччаларидан бўлган Абу Жаъфар Қусам ибн Аббос етиб келди. Саид ибн Усмон уни иззат икром билан қарши олди. Қусам Самарқандни истило этишда Саидга ҳамроҳ бўлди. Усрушанага етганларида Қусам вафот этди [1:528-529].

Саид ибн Усмоннинг Мовароуннаҳрдаги кейинги тақдири ҳақида хабар берилишича, у Самарқанд дарвозаси ёнида бир кўзидан ўқ еди. Шундан сўнг у иккинчи кўзидан ҳам айрилмаслик учун тунги юришларини тўхтатди ва Ирокка жўнади. У ўзи билан Хотундан гаровга олган деҳқон ўғилларидан иборат бир гуруҳ йигитларни ҳам олиб кетиб, уларни ер ҳайдаш ишларига мажбур қилди. Натижада бу йигитлар унга қарши исён кўтардилар: уни ўлдириб, тоққа қочдилар ва ўша ерда сувсизликдан ҳалок бўлдилар [1:71-72]. Буларнинг барчаси мазкур даврда ҳали араблар ҳукмронлигининг Самарқандда ўрнатилмаганлигидан дарак беради.

Илк арабларнинг Мовароуннаҳрга юришлари мавсумий бўлиб, қишда улар Хуросондаги қароргоҳларига қайтишарди. 681 йили Хуросон волийси Салм ибн Зиёд (681-683) биринчи бўлиб дарё ортида қишлаб қолди [17:48-51].

Халифа Язиднинг вафотидан кейин (683 йил) араб халифалигининг ичида юз берган

ўзаро урушлар Хуросондаги вазиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Аввалига, янги халифа тайинлангунига қадар барча Хуросон волийси Салм ибн Зиёд тез орада бу мансабдан кетди. Унинг ўрнига қайсийлар улуғи Абдуллоҳ ибн Ҳозим Хуросон волийси бўлди. У 691 йилга қадар шу мансабда қолди ва ўз номидан кумуш, ҳатто олтин тангалар зарб эттирди. 691 йилда Абдуллоҳ итоатсизлиги учун халифа Абдулмалик (685-705) томонидан қатл эттирилди [17:67]. Умавийлар даврида юз берган бундай сиёсий беқарорлик даврида Мовароуннаҳр, хусусан Самарқанд араблардан холи ва нисбатан тинч эди.

Бу даврда араб қўшинлари шаҳарда муқим яшаб қолмадилар. Фақатгина ўлжа олиш мақсадидагина ўлкага юришлар уюштирдилар. VIII аср Самарқанд тарихида араб қўшинларининг кириб келиши ва шаҳарнинг араб халифалиги таркибига киритилиши билан боғлиқ.

704 йилда Хуросонга Ҳажжож ибн Юсуфнинг ўнг қўли бўлган Қутайба ибн Муслим (704-715) ноиб сифатида келди [17:67; 1:64-65, 169]. Қутайба биринчи бўлиб Мовароуннаҳрда араблар ҳокимиятини ўрнатди. Қутайба ўзи босиб олган ерларда, жумладан, Самарқанд ва Бухорода масжидлар қурдирди. Ерлик аҳоли уйларининг ярмини арабларга бердилар [11:244]. Яна бир маълумотга кўра, самарқандликлардан шаҳарни бутунлай бўшатиб қўйиш талаб этилган. Баъзан маҳаллий аҳолининг эски ибодатхоналари масжидларга айлантирилар эди [20:7].

Сўғдлар ҳукмдори Тархун Самарқандда араблар билан сулҳ тузди ва ўлпон тўлашга ҳамда гаровга ўз одамларини юборишга розилик берди. Ҳукмдорнинг бундай йўл тутиши сўғдликларга ёқмади ва улар унинг ўрнига укаси Ғуракни (710-737) ихшид (подшоҳ) қилиб сайлашди. «Китоб ал-қанд»нинг гувоҳлик беришича, Ғурак ҳам кейинчилик Қутайба билан сулҳ тузди [1:532].

Самарқанд аҳолисининг таркиби Қутайба билан кирган араб қўшинлари ва улар билан биргаликда Мовароуннаҳр ва Хуросондан келган ҳарбийлар ҳисобига ҳам турли этник гуруҳлар билан бойиди. Буни қуйидаги фактдан ҳам кўриш мумкин: 710 йили Қутайба 20 минг сонли ўз қўшинини укаси Абдурраҳмон ибн Муслим бошчилигида Самарқандни забт этиш учун юборди. Ўзи эса унинг кетидан асосий қўшин билан олға юрди. Унинг қўшинида араблардан ташқари хоразмликлар ва бухороликлар ҳам бор эди. 712-13 йили ана шундай юришларининг бири давомида Бухоро, Кеш, Насаф, Хоразмдан унга 20 минг жангчи етказиб беришни талаб қилган [1:532]. Шундай қилиб араб қўшинларининг сафи уларга қўшилган ерли аҳолининг ҳисобига ҳам кенгайиб борар эди. Абу Ҳафс Насафий Самарқанддаги илк муҳаддислар қаторида Қутайбанинг укаси Абдурраҳмон ибн Муслимнинг таржимаи ҳолини ҳам келтиради. Абдурраҳмон араблардан энг биринчи Самарқанд амири бўлди [1:224].

Қутайба Самарқандга келиб уни қуршаб олганидан кейин сўғдликлар кўркувга тушиб, Шош ва Фарғона ҳокимларидан ёрдам сўраб ўз элчиларини юбордилар. Қутайбанинг жосуслари яхши ишлаб, унга қарши Шош ва Фарғонадан қўшин жўнатилаётгани ҳақидаги хабарни унга етказди. Қутайба ўз қўшинидан 360 баҳодирни уларга қарши юборди. Улар Шош ва Фарғона қўшинларига кутилмаганда ҳужум қилдилар. Араб қўшини ғалабани қўлга киритиб, жуда қимматбаҳо ўлжалар ва қуроллар билан қайтдилар. Қутайба уларнинг жасоратлари эвазига барча қўлга киритган нарсаларини ўзларида қолдирди [1:224].

712 йили Қутайба узил-кесил Самарқандни забт этди. 715 йилда Қутайба янги халифа Сулаймонга (715-717) қарши исён қилганида Фарғонада ўз қўшини томонидан ўлдирилди [1:149]. Шундан кейинги даврда Сирдарё бўйидаги ерлар араблар қўлидан кета бошлади.

Самарқандни араб давлатининг бир қисми сифатида обод қилиш хатти-ҳаракатларига умавий халифа Умар II (717-720) даврида киришилди. Унинг буйруғига биноан тайинланган волий биринчи навбатда меҳмонхоналар ва бошқа умум манфаати учун хизмат қиладиган биноларни (карвонсарой, работлар) қуришлари керак эди [1:105].

Абу Жаъфар Табарийнинг ёзишича, Мовароуннаҳр ҳудудида уюшган ҳолда

ISSN 2181-9572

арабларга қарши кураш олиб боришга ҳаракат қилинган. Араблар юришлардан сўнг Марвга қайтганларида, Марказий Осиёлик ҳукмдорлар Хоразм яқинида йиғилиб, бир-бирларига қарши ҳужум қилмаслик ҳақида мажбурият олишар эди. Маҳаллий аҳоли араблар ҳукмронлигини қаршиликсиз осонгина қабул қилмадилар. Арабларга четдан келган ёт босқинчилар сифатида қараб, уларга қарши курашдилар. Бу курашлар манбаларда маҳаллий қўзғолонлар сифатида зикр этилади.

Зарафшоннинг манбаида, Муғ тоғидаги қалъада 1933 йили топилган ҳужжатларда 720-721 йилларда Панжикент ҳокими Дивaштич бошчилик қилган сўғдликларнинг арабларга қарши қўзғолони ҳақида маълумот келтирилади. Унда ёзилишича, Дивaштич «Сўғд ихшиди ва Самарқанд ҳокими» бўлган. Бу ёзув билан бирга бир нечта ёғоч, қоғоз, терига ёзилган хатлар ҳам топилган. Тадқиқотлар кўрсатишича, бу ер Дивaштичнинг архиви бўлган. Бу маълумотларга биноан, арабларга бўйсунмаган заминдорлар ўз сипоҳ ва оилалари билан тўпланиб йўлга чиқишган. 10 мингдан зиёд киши Самарқанд шаҳридан кўчди. Муҳожирлар Хўжандга етиб келганларида, Фарғона ҳокими уларни Исфара туманига жойлаштирди. Дивaштич бошчилигидаги аҳоли ва сипоҳларнинг бошқа қисми Зарафшон бўйлаб тоғлар орқали Абғар (ёки Абарғар) қалъасидан юқори томон йўл олишди. Қочоқлар ҳали Исфарага етиб улгурмасиданоқ, ал-Ҳараший юборган араб қўшинлари Хўжанд тупроғига оёқ қўйдилар. Араблар Хўжанд шаҳри атрофини ўраб, уни қамал қила бошлашди. Араблар ҳийла ишлатиб барча қочоқларни, кейинроқ Дивaштичнинг ўзини қатл этдилар. Айрим маълумотларга кўра уч минг, бошқа маълумотларга қараганда етти минг киши қатл этилди [8:77; 17:77, 185-190].

«Китоб ал-қанд»да ҳам «Дивоштиж» номи учрайди, аммо бу хабар «Сўғд ихшиди ва Самарқанд ҳокими»га эмас, балки IX-X асрларда яшаган Халаф ибн Дивоштижнинг отасига тегишли. Машҳур сулоланинг ўз даврида ҳадис илми билан шуғулланган бу вакили 912 йилда вафот этган [1:25].

Умавийлар ҳукмронлигига чек қўйган Абу Муслим ҳаракати (747-749) Самарқанд жамоаси тарихида катта ўрин эгаллайди. Абу Муслимнинг келиб чиқиши араб манбаларида аниқ кўрсатилмаган. Шу даврда: «Арабларнинг бошқа халқлардан ва бошқа халқларнинг араблардан устунлиги йўқдир, магар устунлиги тақвога кўрадир», деган ҳадиснинг кенг тарқалгани ушбу замонда араблар ва араб бўлмаган мусулмонлар мавқеларининг тенглашиб борганлигидан далолат беради. Абу Муслим Абдурраҳмон Хуросондаги Аббосийлар ҳаракатининг бошлиғи бўлиб, асли Исфаҳондан эди. 746-747 йили Марвда эди, 750-751 йили Самарқандга келди. 134-751-753 йилларда 450 та қасрни ўз ичига олган, 360 минорали Самарқанд деворини қурдирди [14:10]. «Китоб ал-қанд»да Абу Муслимнинг қатли бошқа араб манбаларидан фарқли равишда 757-58 йили халифа Абул Аббос (132-749-754) томонидан амалга оширилди деб берилган [1:224-226].

Абу Муслим бошчилигидаги ғалаба билан тугаган қўзғолон янги Аббосийлар давлати давридан бошлаб араблар ва араб бўлмаган мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқларини тенглаштиришга олиб келди. Абу Муслим Мовароуннаҳрда ўзига хос сиёсат олиб борди. У ўзининг Хуросон вилоятидаги таъсирини кучайтириш мақсадида Самарқандни йирик марказга айлантириш борасида ишлар олиб борди. Жумладан, Самарқанддаги сарой қурилиши Абу Муслимнинг шарқдаги режаларининг ғоят улкан бўлганлигидан далолат беради [18:22-23; 19:205-218].

Абу Муслим сардорлари орасида бўлган хуросонликлар мавқеи Самарқанд ихшидлари сулоласининг йўқ қилиниши оқибатида аста-секин ўса бошлади. Улар орасидан Сомонийлар айнан Самарқанд заминидан Хуросон ва Мовароуннаҳр тахтига бўлган юксалиш йўлларини бошладилар.

Абу Муслим хиёнаткорона ўлдирилишидан сўнг маҳаллий аҳолининг назарида у халқпарвар қаҳрамонга айлана бошлади. Абу Ҳафс Насафий унинг номини Соҳиб ад-давла Абу Муслим Абдурраҳмон ибн Муслим ибн Шанфирруз ал-Марвазий деб муҳаддислар қаторида ҳурмат билан тилга олиши XII асрда унинг Самарқанд муҳитида обрўси баланд бўлганлигидан дарак беради [1:224-226].

Абу Муслимнинг қатл этилиши Хуросон ва Мовароуннаҳрда норози гуруҳлар ва диний-ижтимоий ҳаракатларнинг яшириниб ётган чўғларининг гулханга айланишига сабаб бўлди. VIII асрда бўлиб ўтган қўзғолонларни озуқалантирган ўша даврдаги маздакийлик, ҳуррамийлик, муҳаммира ва мубайиида («оқ кийимлилар») идеологиясини ҳисобга олмай туриб воқеаларни тўғри тушуниш мумкин эмас.

Абу Муслимнинг хиёнаткорона ўлдирилиши Марказий Осиёда маздакийларнинг юзага чиқара олмаётган ўз ҳаракатларини жонлантириш учун қулай вазиятни юзага келтирди. Ана шундай ҳаракатлардан бири Муқанна қўзғолони эди. Бу қўзғолонда Муқанна ўзини Абу Муслим ишининг давомчиси (волийси) деб эълон қилди [15:195]. Абу Ҳафс Насафий Муқанна ҳақида ёзиб, унга қарши курашган Саид Ҳарашийни Самарқанд улуғлари қаторида зикр этади [1:72]. Муқанна асосан Кеш ва Насаф атрофларида муваффақият қозонди. Муқаннанинг кўпгина тарафдорлари Бухоронинг Наршах қишлоғида йиғилган эдилар [1:72].

Тоҳирийлар (821-873) Хуросон, Мовароуннаҳр ва кейинроқ Табаристон ва Эроннинг бошқа ҳудудларини ўз ичига олган халифаликка қарам, бироқ қудратли давлат тузишга муваффақ бўлдилар. Тоҳирийлар даврида уларнинг номидан Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг каттагина қисмини Сомонийлар сулоласи бошқарди. Асли хуросонлик Сомон-худот оиласининг ҳокимият тепасига келиши Рофе ибн Лайс қўзғолонини бостирилиши билан ҳам боғлиқ. Сомонийлар Мовароуннаҳрда ҳокимиятга Тоҳирийлардан сал илгарироқ тайинланган эдилар. Халифа Маъмун Асад ибн Сомоннинг ўғилларини Мовароуннаҳрдаги айрим вилоятларнинг ноиблигига тайинлади. 819 йилда Нуҳ ибн Асадга Самарқанд, Аҳмад ибн Асадга Фарғона, Яҳё ибн Асадга Шош ва Уструшана берилди [17:112].

Нуҳ Самарқандда 819/820 йилдан 841/842 йилгача ҳокимлик қилди [11:587]. Нуҳ ибн Асад Самарқандда ўз ҳокимиятини кенгайтираётган вақтда хуросонлик Балх қўшинлари уни қўллаб-қувватлаб турганлар. Бу қўшин орасида уламолар ҳам Самарқандга киришар ва Хуросон ҳадис мактаби анъаналарини Мовароуннаҳрга етиб келишига сабабчи бўлардилар [1:122-123].

Мовароуннаҳр ҳудудида марказлашган давлат тузишга ҳаракат биринчи Сомоний ҳукмдори Самарқанд ҳокими Нуҳ ибн Асад (819-821) давридаёқ бошланди. Нуҳ Асад ибн Сомон-худотнинг тўнғич ўғли эди. Шунинг учун ҳам у бошқа укалари – Фарғона ҳокими Аҳмад ва Шош ҳокими Яҳёлар устидан ўз ҳукмини ўтказар эди. Шундай қилиб, IX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Самарқанд Сомонийлар вилоятининг маркази бўлиб қолди. Нуҳ ибн Асад Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудлари учун олиб борган курашлари уламолар тарафидан муқаддас уруш деб баҳоланарди. Бу юришларнинг муваффаққиятли боришида ҳам Нуҳнинг самарқандлик ва хуросонлик уламолар билан тил топишишида ва уларнинг Нуҳ ибн Асад тарафида туришлари катта рол ўйнарди [1:122-123].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Самарқандда ислом динининг кириб келиши ва ислом илмларининг тарқалишида маҳаллий маънавий муҳитнинг ўрни катта бўлди. Бунда турли этник гуруҳлар қатнашди. Илк даврда араблар бу жараёнда етакчи мақомни эгалладилар. Абу Муслим ҳаракати натижасида араблар мавқеи қисман пасайиши ва хуросонликлар таъсирининг кучайиши кузатилди. Сомонийлар даврида хуросонликларнинг таъсир доиралари кенгайиб борди. Шу билан бир қаторда Самарқанд мусулмон жамоаси таркибида аста-секин маҳаллий аҳоли сони ошиб, унинг мавқелари мустаҳкамланиб борди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форйобий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
2. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Юсуф ал-Ҳоди таҳрири остида. – Теҳрон: Ойина-йи мирос, 1999. – 877 б.

ISSN 2181-9572

3. Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия / Сўзбоши, изоҳ ҳамда форс-тожик тилидан таржима муаллифи – Комилхон Каттаев. – Самарқанд: Сўғдиён, 1994.
4. Абу-л-Фадл Муҳаммад ибн Абд ал-Жалил ас-Самарқандий. Мунтахаб Китоб ал-қанд. – Париж. – Франция миллий кутубхонаси. – Араб қўлёзмалари фонди. – Қўлёзма № 6284. – 75 в.
5. Беруний, Абу Райҳон. Танланган асарлар. – Т. V. Биринчи китоб. Қонуни Масъудий. 1-5 мақолалар. – Т.: Фан, 1973. – 592 б.
6. Мозийдан таралган зиё. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 98.
7. Саййид Мубашшир Сулаймон ал-Косоний. Ўрта Осиё тарихи (сиёсий, диний, ижтимоий, адабий). – Абҳо-ас-Сафро. – 1411/1991. – Т. II.
8. Ўзбекистон халқлари тарихи: 2 жилдли. – Т.: Фан, 1992.
9. Абу Саид Гардизи. Зайн ал-ахбар. Украшение известий. Раздел об истории Хорасана / Перевод с персидского А.К. Арендса. Введение, комментарии и указатели Л.М. Епифановой. – Т.: Фан, 1991. – 176 б. – Б. 51.
10. Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии. – СПб.: Издательство Академии наук, 1907.
11. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 760 б.
12. Босворт К.Э. Мусульманские династии: Справочник по хронологии и генеалогии / Пер. с англ. и примеч. П.А. Грязневича. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1971. – 324 б.
13. Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию (644-704 гг.). – Душанбе: Дониш, 1989. – Б. 111.
14. Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. – 315 с.: ил.
15. История народов Узбекистана. – Т. I. – Т.: Издательство АН Узбекистана, 1950. – 473 б.
16. История Самарканда. – Т. I. – Т.: Фан, 1969. – 484 б.
17. «История» ат-Табари. Избранные отрывки / Перевод с араб. В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова. – Т.: Фан, 1987. – 441 б. – Б. 42-45.
18. Карев Ю.В. Дворец VIII в. в Самарканде в контексте доисламской и раннемусульманской дворцовой архитектуры. Опыт исторической интерпритации: Автореф. дис… канд. ист. наук. – М., 1999. – 25 б.
19. Карев Ю.В. Политическая ситуация в Мавераннахре в середине VIII века // Средняя Азия: археология, история, культура. Материалы международной конференции, посвященной 50-летию научной деятельности Г.В. Шишкиной. – М.: Государственный музей Востока, 2000. – Б. 205-218.
20. Narshakhi. The History of Bukhara / Translated from a Persian Abridgement of the Arabic Original by Narshakhi. Richard N. Frye. – Cambridge. – 1954. – Б. 7.